

Мисрда Қуръон ўқитувчилари учун махсус курслар ташкил этилади



14:00 / 09.01.2019 3053

Мисрнинг Вақф вазирлиги жорий йилнинг 19 январидан мамлакатнинг турли ҳудудларида Қуръони карим бўйича сабоқ берадиган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича махсус миллий курслар иш бошлашини маълум қилди.

Dostor.org сайтининг хабар беришича, ушбу курслар 18 июлгача давом этади. Курслардан асосий мақсад Қуръони каримдан дарс берувчи ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини оширишдан иборат. Мазкур курсларни яна бир муҳим жиҳати шундаки, Қуръони карим бўйича билимини оширишни истаган ҳар қандай фуқаро ушбу ўқув курсларига бемалол қатнашишлари мумкин. Бунинг учун улар 10-17 январь кунлари ўз ҳудудларидаги Вақф марказларига мурожаат этишлари лозим. Маълум бўлишича, ҳудудлар бўйича олиб бориладиган мазкур ўқув курсларида ўқитилиши мажбурий бўлган Қуръон ўқитувчиларнинг сони 100 кишидан иборат бўлади. Бундан ташқари ушбу курсларни тамомлаганларга Вақф вазирлигининг махсус сертификатлари берилади.

Islom.uz